

## ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИК ВА ДАВЛАТ ФИСКАЛ СИЁСАТИ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ УЙЎНЛИГИ

Асатуллаев Х.С., Тоштемиров Ш.О.

*Тошкент молия институти, Тошкент, Ўзбекистон*

Мақолада иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишда давлат фискал сиёсатининг иқтисодий фаолликни таъминлашга йўналтирилган масалалари назарий ва амалий томонлари ўрганилган ҳамда унинг мамлакат ялпи ишлаб чиқаришига таъсирининг амалий таҳлили олиб борилган. Давлат фискал сиёсатининг асосий давлат бюджети харажатлари ва даромадларининг таркибан ўзгариши мамлакат иқтисодий тараққиётига хизмат қилиши юзасидан тегишли хулосалар берилган.

**Калит сўзлар:** Иқтисодий ўсиш, реал ЯИМ, давлат фискал сиёсати, давлат бюджети даромадлари, давлат бюджети харажатлари, бюджет тақчиллиги, солиқ юки.

В данной статье рассматриваются вопросы касающиеся практических и теоретических направлений фискальной политики, которые считаются основными рычагами государственного регулирования экономики, а также проведен анализ его влияния на изменения валового производства. Рассматривается анализ расходов бюджета и состава расходов бюджета, являющегося основным рычагом государственной фискальной политики, а также сделаны соответствующие выводы.

**Ключевые слова:** государственная фискальная политика, реальный ВВП, расходы государственного бюджета, доходы, экономический рост, дефицит бюджета, налоговая нагрузка.

### КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаб ўтганларидек, “Солиқ-бюджет сиёсатида қатъий амал қилиш, давлатнинг ижтимоий мажбуриятларини бажариш, иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар ҳажми, йирик инвестиция лойиҳалари ва мамлакат муҳофаза қобилиятини мустаҳкамлашни молиялаштириш - ушбу энг муҳим вазифаларни амалга ошириш” [1] ҳамда иқтисодиётда иқтисодий фаолликни таъминлаш долзарб вазифалардан биридир.

Шундай экан, миллий иқтисодиётни тараққий эттиришнинг ҳозирги босқичида иқтисодиётнинг мутаносиб ва барқарор ривожланишини таъминлашда давлат иқтисодий сиёсатининг янги устувор йўналишларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Бугунги кунда жамият иқтисодий тараққиётига эришиш йўлида давлат фискал сиёсатини самарали қўллаш масаласи анча долзарб ва тадқиқ этилиши лозим бўлган мавзулардан саналади. Замонавий фискал сиёсати давлат молиявий ресурсларидан оқилона фойдаланиш орқали иқтисодий ўсишни таъминлашга ва иқтисодиётдаги ноҳуш ҳолатларни баратараф этишга қаратилган бўлади. Унинг асосий мақсади барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган иқтисодий цикл тебранишларини

ва инфляцияни жиловлаш ҳамда юқори бандлик даражасига эришиш ҳисобланади. Юқорида зикр этилган мақсадларни руёбга чиқаришда давлат фискал сиёсати давлат бюджети харажатлари ва даромадларини ўзгартириш орқали эришилади. Иқтисодиётда фаолликни ошириш, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлаш, аҳолининг самарали бандлигини таъминлаш ҳамда шу орқали барқарор иқтисодий тараққиётга эришишга ҳаракат қилади. Лекин бунга ўз-ўзидан эришиб бўлмайди. Чунки иқтисодий тебранишлар шароитида ва жаҳондаги турли таркибий ўзгаришлар ҳамда кўшни давлатлардаги ташқи иқтисодий сиёсатнинг ўзгариши давлат томонидан олиб борилаётган иқтисодий сиёсатни тубдан такомиллаштиришни тақозо этади.

### **МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ**


Замонавий иқтисодий адабиётларда давлатнинг самарали фискал сиёсатини шакллантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, молиявий ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва тақсимлаш жараёни билан боғланса, иккинчи томондан бюджетни тўлдирувчи ва молиялаштирувчи унсур сифатида қаралади. Ҳар бир иқтисодчи олим фискал сиёсат иқтисодий мазмунига турлича ёндашиб иқтисодиётдаги ҳал қилувчи ўрнига ёки унинг таркибий қисмларидан саналган иқтисодий дастакларига яъни солиқлар ва харажатлар сиёсатига асосий урғу бериб уларнинг иқтисодий фаолликни таъминлашдаги айрим жиҳатларига тўхталиб ўтишади. Давлат фискал сиёсатининг иқтисодий фаолликни таъминлашдаги самараси, унинг имкониятлари ва иқтисодиётга таъсири масаласи иқтисодий фан тарихида буюк намоёндалардан саналган У. Петти, А. Смит, Ж.С.Милл, Д. Рикардо, А.Маршалл, Дж. М. Кейнсларни мисол сифатида келтириш мумкин[2]. Шунингдек, мазкур масалалар яъни давлат фискал сиёсати таҳлиллари доирасидаги тадқиқотларда ҳақиқатдан ҳам унинг миллий иқтисодиётдаги таъсири асосланган ҳамда унинг давлат бюджети харажатлари ва даромадлари таркибий қисмини ўзгартириш орқали иқтисодиётни тартибга солувчи иқтисодий фаолликка ундовчи самарали восита эканлигини асослаган куйидаги иқтисодчи-олимлардан П.А.Самуэльсон, М.Фридмен, К. Макконнелл, С.Л.Брю, Л.Вальрас, В.Парето, К.Веклес, Х.Кунн, И.Фишер, А.Такер, Дж.Долан, Д.Линдсей, С.Фишер, Р.Дорнбушлар бу йўналишда самарали тадқиқот олиб боришганликларини мисол сифатида келтириб ўтиш мумкин [3].

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозир замон хорижлик иқтисодчи тадқиқотчи олимлардан Э.Накамура, Ж.Стенсон ва Ж.Паркерлар давлат фискал сиёсатига ва унинг таркибий қисмларидан саналган бюджет харажатлари ҳамда унинг самарадорлик мултипликатори айнан иқтисодий фаолликка таъсирини турли амалий таҳлиллар асосида баён этган. Шунингдек, уларнинг илмий тадқиқотлари таҳлилида Америка иқтисодиёти тарихий статистик маълумотларига асосланиб, бюджет харажатларининг тақрибий ўзгаришлари кўп ҳолларда миллий иқтисодиётдаги инвестицион фаолликни, бандлик ва иқтисодий ўсишни таъминлашга хизмат қилиши ёрқин мисоллар орқали кўрсатилиб берилган[4]. Мамлакатимиз иқтисодчи-олимларидан С.Чепель ва М.Катановалар “Иқтисодий ўсиш: бюджет-солиқ сиёсати ва натижалар таҳлили

“ мақоласида давлат фискал сиёсати бюджет-солиқ сиёсати талқинида анча амалий таҳлиллар, унинг таъсир доираси масаласига тўхталиб ўтишади [5]. Шунингдек, мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан давлат фискал сиёсати бюджет солиқ сиёсати талқинида унинг мазмунига бўлган ёндашувлар иқтисодчи олимлар А.В.Ваҳабов, Т.Т.Жўраев, Т.С.Маликов, Жалилов П.Т., Д.Тожибоева ва бошқалар томонидан ўрганилган [6].


### ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Агар республикамизнинг 2010-2018 йиллар оралиғидаги давлат бюджети сарф-харажатлари ва даромадларини таҳлил қиладиган бўлсак, давлат бюджети харажатлари ва даромадларининг ўзгариши реал ЯИМнинг ўсиш суръатлари билан мутаносиб равишда ўзгариш тенденциясига эга бўлган. 2010 йилда давлат бюджети даромадлари ЯИМга нисбатан 22,0 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йилга келиб эса, 22,8 фоизга кўпайган. Худди шу тарзда давлат бюджети харажатлари 2010 йилда ЯИМга нисбатан 21,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 24,0 фоизга ортган.



### 1-расм. 2010-2018 йилларда реал ЯИМ ўсиш суръатлари, давлат бюджети даромадлари ва харажатлари (ЯИМ нисбатан фоиз ҳисобида)[7]

Мамлакатимизда реал ЯИМнинг ўсиш суръатларини таҳлил қиладиган бўлсак, 2010-2018 йиллардаги энг паст тенденция 2017-2018 йилларда кузатилган бунда мазкур кўрсаткич, 5,2-5,3 фоизларни ташкил этган. Реал ЯИМнинг энг юқори ўсиш суръатлари 2010-2015 йилларда кузатилган бунда ўсиш суръати ўртача 8,0 фоизлик даражани ташкил этган. Шунга мос равишда давлат бюджети даромадлари ЯИМга нисбатан ўртача 21,0 фоизлик, давлат бюджети харажатлари эса ЯИМга нисбатан 21,0 фоизлик даражаларни ташкил этган. (Қаранг: 1-Расм).



**2-расм. Давлат бюджети харажатлари ва даромадларининг ўтган йилларга нисбатан ўзгаришининг реал ЯИМ ўзгаришига таъсири [8]**


2-расм маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, ўтган йилларга нисбатан давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг ўзгариши орқали реал ЯИМга таъсирини кўриш мумкин.

Мисол учун, 2012 йил давлат бюджети харажатларининг 2011 йилга нисбатан -0,5 фоизга ва давлат бюджети даромадларининг -0,6 фоизга ўзгариши реал ЯИМнинг ўтган йилга нисбатан -0,3 фоизга камайишини таъминлаган. Худди шундай ўзгариш, яъни давлат бюджети харажатлари-нинг 0,2 ва 0,4 фоизларга ҳамда давлат бюджети даромадларининг шу тарздаги 0,1 ва 0,4 фоизларга ўсиши эса 2015-2016 йиллардаги реал ЯИМнинг -0,1 ва -0,2 фоизга камайиши кузатилган. Эътиборлиси фақатгина реал ЯИМнинг 2014 йилдаги 0,1 фоизга ўсишида ҳам давлат бюджети харажатлари ва даромадлари ўтган йилларга нисбатан камайиш тенденциясига эга бўлган, яъни мос равишда -0,4 ва -0,5 фоизларга камайган. Бундан хулоса қиладиган бўлсак, реал ЯИМнинг бундай траекторияда тебраниши аксарият ҳолларда давлат томонидан олиб борилаётган давлат фискал сиёсати ва мамлакатимизда олиб борилаётган монетар сиёсат нитажаларидан десак муболаға бўлмайди.

Давлат молиясини бошқариш мамлакатнинг бюджет ресурсларидан самарали фойдаланиш, барқарор ривожланишни таъминлашга оид чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни кўзда тутди. Бунинг учун эса, энг аввало, мақбул прогнозлаштириш орқали давлат бюджетини ташкил этувчи даромадларни оқилона шакллантириш, ва улардан мақсадли ва манзилли фойдаланиш талаб этилади. Айнан, мазкур чора-тадбирларнинг мақсадга мувофиқ тарзда амалга оширилмаслиги давлат бюджети тақчиллигини келтириб чиқаради. Хусусан, глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг иккинчи тўлқини Европа Иттифоқининг қатор давлатларида давлат бюджети тақчиллигининг ошириши натижасида юзага келди. 2017 йил якунига кўра давлат бюджети дефицити Буюк Британияда 3.6%, Испанияда 3.3%, Францияда 3.1%, Италияда 2.3%, Польшада 2.2% ни ташкил этган. Мисол учун мазкур йилларда Буюк Британия ва Франция мамлакатлари давлат бюджети тақчиллиги 3 фоизли даражадан юқори бўлган ҳамда бу мамлакатлар Европа

иттифоқи Маастрихтский келишувни бузган. Мазкур келишувга мувофиқ иттифоқ давлатлари бюджет тақчиллигини 3 фоиздан оширмасликка келишилган [9]. Ушбу кўрсаткичларни мамлакатимиз билан солиштирганда, сўнгги уч йил ичида Давлат бюджети тақчиллик билан прогнозлаштирилган, аммо йил якунига ЯИМ га нисбатан 0,01 фоиз профицит билан бажарилган.

Давлат бюджети 2018 йилда биринчи марта ЯИМга нисбатан 0,02 фоиз профицит билан прогнозлаштирилди. Албатта бу ёмон кўрсаткич эмас, лекин давлатнинг молиявий ресурслари тақчиллиги ортиб бораётган шароитда давлат бюджетини прогнозлаштириш янада аниқ ва асосланган бўлишлиги талаб этилади. Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш ва либераллаштиришни амалга ошириш борасида қабул қилинаётган давлат дастурларида давлат бюджети шаффофлигини ва барча даражадаги бюджетлар мутаносиблигини таъминлаш, маҳаллий бюджетлар даромад қисмини мустаҳкамлаш каби ўта муҳим вазифалар белгиланмоқда. Аммо мамлакатимизда давлат бюджетининг асосини ташкил этувчи солиқ тушумларини прогноз қилиш механизмининг мукамал эмаслиги, давлат бюджетидан молиялаштириладиган соҳаларга ўз вақтида етарлича маблағлар ажратилмаслиги оқибатида давлат хизматларининг сифати тушишига олиб келмоқда.



**3-расм. 2010-2018 йилларда давлат бюджети тақчиллиги (ЯИМ нисбатан фоиз ҳисобида) ва реал ЯИМ ўсиш суръатлари [11]**


Давлат бюджети маблағларидан оқилона фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор берилган ҳолда “Давлат бюджети ўлчовсиз эмас, маблағларни қаттиқ тежаш, белгиланган мақсад учун ва оқилона ишлатишни таъминлаш зарур”лигига оид эътирофнинг нақадар ўринли эканлигини қайд этиш мумкин[10]. Маблағларни оқилона сарфлашдан олдин уни бюджет тизими бюджетларига ўз вақтида йиғилишини таъминлаш масаланинг иккинчи томони ҳисобланади. Мамлакатимизда 2010-2018 йилларда давлат фискал сиёсатининг оқилона қўлланилиши натижасида давлат бюджети тақчиллиги ўртача 0,4 фоиз профицит билан бажариб келинмоқда (3- Расм).

Кейинги йилларда мазкур жараёнларга ҳам жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ўзининг салбий таъсирини кўрсатишига қарамасдан, бюджет

профицитини сақлаб қолишга эришилмоқда. Умуман олганда, давлат бюджети соҳасидаги бундай натижаларни қўлга киритишда мамлакатимиз иқтисодиётини босқичма-босқич ислоҳ этиш ва эркинлаштириш, илгари давлат зиммасида бўлган бир қанча вазифаларни хусусий секторга ўтказиш орқали давлат бюджети харажатларини оптималлаштириш, янги sanoat йўналишларининг ривожлантирилиши ҳамда хусусий сектор молиявий ҳолатининг мустаҳкамланиши, шунингдек, унинг мамлакат иқтисодиётидаги роли ва улушининг ортиши каби омиллар сезиларли таъсир кўрсатди.

Ўтган йилларда мамлакатимизда фискал сиёсатнинг таркибий қисми саналган солиқ сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишлари иқтисодий сиёсатнинг устуворлиги, миллий бойликни тежаш, миллий иқтисодиётнинг ўсиш даражаси, миллий ва умуминсоний кадриятларни уйғунлаштириш, иккиёклама солиққа тортишнинг олдини олишга қаратилган халқаро келишувлар ижросини, солиқ тўловчиларнинг ишчанлик кайфияти, молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжларини таъминлаш, миллий дастурларни амалга ошириш ҳамда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари ва тамойилларига асосланган ҳолда олиб борилди. Бунинг натижасида солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юки иқтисодий ривожланишнинг даражасига монанд ҳолда босқичма-босқич камайтириб борилди, солиқ қонунчилиги жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни эътиборга олган ҳолда такомиллаштирилди, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини солиқ тизими орқали рағбатлантириш ортди, реал сектор корхоналарини, шунингдек, экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналар фаолияти ҳамда миллий иқтисодиётга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг жалб этилишини солиқ имтиёзлари орқали рағбатлантириш жараёнлари кучайтирилди, банкларнинг капиталлашувини оширишда солиқларнинг рағбатлантирувчи роли оширилди, солиқ маъмурчилиги янада такомиллаштирилиб, турли назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашуви қисқартирилди, шунингдек, солиқ тўловчилар томонидан солиқ ҳисоботларини тақдим этиш таомиллари соддалаштирилди. Бу жараёнларнинг умумий самараси сифатида бир томондан солиқ юки даражасининг ўтган йилларга нисбатан камайишига эришилган бўлса, бошқа томондан давлат бюджетининг профицит билан бажарилиши таъминланди.





#### 4-Расм. 2005-2018 йилларда юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкаси [12]

4-расм маълумотларига қараганда, 2005 йилда юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкасининг 15 фоиздан 2018 йилга келиб 14,0 фоизга қисқаргани корхоналар зиммасидаги солиқ юкининг бевосита камайишини таъминлади. Ўтган 2012-20017 йилларда фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши, уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, ортиқча оворагарчиликларнинг олдини олиш, лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ҳамда соддалаштириш, ҳисобот тизимини ва ҳисоботларни тақдим этиш тартибини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш борасида бир қатор қонунлар, Президентимизнинг фармон ва қарорлари қабул қилинди. Ушбу қонун ва қонун ости ҳужжатларининг қабул қилиниши орқали солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юкининг камайишига эришилди.

1-жадвал

#### Дунёнинг айрим давлатларида солиқ юкининг ўртача даражаси, фоизда[13]

Давлатлар ва уюшмалар номи	Солиқ юкининг ўртача даражаси, фоизда	Ўзбекистондаги солиқ юкининг бошқа давлатлардаги ҳолат билан қиёсий даражаси
АҚШ	32,3	1,5 марта паст
Европа Иттифоқи давлатлари	42,6	2,0 марта паст
Лотин Америкаси давлатлари	47,2	2,2 марта паст
ИХТга аъзо давлатлар	35,9	1,7 марта паст
Жанубий Осиё давлатлари	40,2	1,9 марта паст
Шарқий Осиё давлатлари	34,5	1,6 марта паст
Марказий Осиё давлатлари	40,5	1,9 марта паст
Россия Федерацияси	34,1	1,6 марта паст
МДХга аъзо давлатлар	25,2	1,2 марта паст
Дунё давлатлари бўйича ўртача	44,7	2,1 марта паст
Ўзбекистон	22,8	х

1-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, Дунё давлатлари ва уюшмаларида юритилаётган солиқ юкининг республикамиз билан таққослама кўрсаткичлари келтирилган. Агар эътибор қаратадиган бўлсак, Ўзбекистондаги солиқ юки АҚШларига нисбатан 1,5 марта, Европа Иттифоқи ва Лотин Америкаси давлатлари солиқ юкларига нисбатан эса 2-2,2 марта паст эканлигини гувоҳи бўламиз.

Албатта бундай сиёсатнинг юритилиши иқтисодиёт субъектларига берилаётган имконият ва уларнинг рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришига ҳамда модернизациялашувига олиб келади. Дунёнинг ривожланган ва бошқа бир қатор давлатларида шу борада эришилган натижаларга эътибор берадиган бўлсак, юртимизда олиб борилаётган солиқ сиёсати ҳар томонлама маъқул ва қулай сиёсат эканини англаш қийин эмас.

### **ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР**

Юқорида қилинган таҳлиллар натижасига таяниб хулоса қилиш мумкинки, фикримизча давлатнинг фискал сиёсатини таҳлил қилишда унинг миллий иқтисодиётда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга ҳамда иқтисодий фаолликка йўналтирилган қуйидаги назарий методологик ва амалий устувор йўналишларни эътиборга олиш лозим бўлади:

Биринчидан, иқтисодий фанда ва ривожланган мамлакатлар реал амалиётидан келиб чиқиб, давлат фискал сиёсатининг иқтисодий фаолликни кўрсатувчи иқтисодий ўсиш, инвестицион фаоллик ва бандликни рағбатлантирувчи назарий методологик, илмий асосланган ёндашувини ишлаб чиқиш. Бу мамлакат тараққиёт даражаси, ҳудудий мутаносибликлар, бандлик, аҳоли истеъмол даражасини рағбатлантирувчи дастак ва восита-ларини ҳисобга олишни тақозо қилади.

Иккинчидан, истиқболда давлат фискал сиёсати молиявий дастак ва воситаларидан оқилона фойдаланишнинг таъсир доирасини аниқлаш, уларнинг иқтисодий фаолликни таъминлайдиган устувор йўналишларини белгилаш лозим бўлади. Чунки, сўнгги йилларда мамлакатимиз ялпи ишлаб чиқариш ҳажмининг ўтган йилларга нисбатан кескин суръатларда пасайиши давлат фискал сиёсатининг айнан иқтисодий фаолликни рағбатлантирадиган механизмларини ишлаб чиқиш кўзда тутади.

Тўртинчидан, давлат фискал сиёсатининг таркибий қисмларидан саналган солиқ сиёсатидан самарали фойдаланишда миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқ ва соҳаларини ривожлантириш дастурига мувофиқ ҳамда тармоқ корхоналари мутаносиблигини таъминлаш мақсадида маълум давргача солиқ имтиёзларини бериш. Бу бевосита мамлакат ишлаб чиқариш потенциал даражасининг ошишига, ҳудудларда бозор инфратузилмасининг жадал ривожланишига ҳамда самарали бандликни таъминлашга олиб келади ва ўз навбатида банд бўлганлар ҳисобига талабни оширади.

Бешинчидан, иқтисодиётни модернизациялаш шароитидан келиб чиқиб, давлат фискал сиёсати миллий иқтисодиётда фаолият кўрсатаётган миллий хўжаликларни самарали фаолият кўрсатишлари ва юқори



самарадорликка эришишлари учун қулай муҳит шароитини яратиш ҳамда қўллаб-қувватлаш таснифига эга бўлиши керак.

Олтинчидан, давлат инфляцияга қарши чора-тадбирларни ишлаб чиқиш лозим бўлади. Бунда корхоналар томонидан амалга оширилаётган чакана савдога қўйилаётган қўшилган қиймат солиғидан озод қилиш ҳамда мазкур соҳада барча хўжалик юритувчи субъектларга ягона солиқ ставкасини жорий этиш.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев, Шавкат Миромонович. Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. - б.

2. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. Москва., 1962. Стр. 332; Mill J.S. On the Definition of Political Economy; and on the Method of Investigation Proper to it. In: Tssays on Some Unsettled Questions of Political Economy. L., p 133-137; Маршалл А. Принципы политической экономии. Москва, 1983. Т.1. Стр. 56-68.; Walras L. Elements of pure Economics. Translated by Jaffe W.Homewood, Richard D.Irwin, 1954. pp. 88-89

3. Самуэльсон, П. Экономика : пер. с англ. / П. Самуэльсон. М., 1997. 586 с.; Долан, Э. Дж. Макроэкономика / Э. Дж. Долан, Д. Линдсей ; пер. с англ. В. Лукашевича и др. ; под общ. ред. Б. Лисовика. СПб., 1994. 408 с. 6. Дорнбуш, Р. Макроэкономика : пер. с англ. / Р. Дорнбуш, С. Фишер. М., 1997. 784 с. 7. Макконнелл, К. Р. Экономикс: принципы, проблемы и политика : пер. 14-го англ. изд. / К. Р. Мак коннелл, С. Л. Брю. М., 2003. 683 с. 2 Pareto V. Economie Matematique.-Encyclopedie des Sciences mathematiques Tome I, vol., Fasc.4.P.: Gauthiev-Villars, 1911 p. 591-640; Wickles K. Lectures on Political Economy. L.Robbins [ed.]. London: George Routledge, [1901,1906] 1934; Fisher I. Mathematical Investigations in the Theory of Value and Prise. New Haven, Ct: Yale University Press, [1892] 1925; Schumpeter J. History of Economic Analysis. New York: Oxford University Press, 1954; Kuhn H., Tucker A. Nonlinear Programming. In: J.Neyman (ed). Proceedings of the Second Ber-keley Symposium on Mathematical Statistics and Probability Berkely and Los Angels: University of California Press, 1951,pp 65

4. Nakamura E. and Steinsson J. Fiscal Stimulus in a Monetary Union: Evidence from US Regions. – «The American Economic Review», March 2014, p. 768.; Parker J. On Measuring the Effects of Fiscal Policy in Recessions. NBER Working Papers Series. Working Paper 17240. July 2011. P. 1. – <http://www.nber.org/papers/w17240>.

5. Чепель С.В., Катанова М. Экономический рост: бюджетно-налоговая политика и результаты анализа// Экономика Узбекистана. 2006, с.96-100.

6. Ваҳабов А.В., Маликов Т.С. Молия. Дарслик. –Т.: “Ношир”, 2012. 284- б. 3. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. - Т.: Шарқ. 2003. -127; Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA” 2011. -450 бет.; Т.Т.Жўраев Иқтисодиёт назарияси. – Т.: “Fan va texnologiya”, 2018, 512 bet.

7. Турли йиллардаги статистик тўпламлар: Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденциялари ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари; Альманах Ўзбекистон 2011. Иқтисодий тадқиқотлар маркази, Тошкент 2011 йил.; Тенденции социально-экономического развития Узбекистана (2005-2014гг.)/под редакцией д.э.н. А.М.Садыкова/ Ташкент: IFMR, 2015.-112.; Экономика Узбекистана информационно-аналитический бюллетень за январь-июнь 2015 года; Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. Тошкент – 2015.; Экономика Узбекистана информационно-аналитический бюллетень за январь-декабрь 2017 года. Ташкент -2018. Center for Economic Research, Издательства “ИСА”.

8. Турли йиллардаги статистик тўпламлар: Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденциялари ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари; Альманах Ўзбекистон 2011. Иқтисодий тадқиқотлар маркази, Тошкент 2011 йил.; Тенденции социально-экономического развития Узбекистана (2005-2014гг.)/под редакцией д.э.н. А.М.Садыкова/ Ташкент: IFMR, 2015.-112.; Экономика Узбекистана информационно-аналитический бюллетень за январь-июнь 2015 года; Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. Тошкент – 2015.; Экономика Узбекистана информационно-аналитический бюллетень за январь-декабрь 2017 года. Ташкент -2018. Center for Economic Research, Издательства “ИСА”.

9. <https://www.cia.gov/library/publications/the-world-factbook/2222rank.html>, АҚШ “Central Intelligence Agency ” нинг расмий сайти; Министерство финансов Франции ожидает, что в 2019 году дефицит государственного бюджета вырастет до 2,8% ВВП. В этом и прошлом годах бюджетный дефицит составлял 2,6% ВВП. Причём до 2017-го он в течение десяти лет превышал 3%, что нарушало Маастрихтский договор. В 2019 году Бюджетный дефицит франции вырастет до 2,8% ВВП <https://ntdtv.ru/72943-v-2019-godu-byudzhethnyj-defitsit-frantsii-vyrastet-do-2-8-vvp>

10. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т: Ўзбекистон, 2017-316.

11. Турли йиллардаги статистик тўпламлар: Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденциялари ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари; Альманах Ўзбекистон 2011. Иқтисодий

тадқиқотлар маркази, Тошкент 2011 йил.; Тенденции социально-экономического развития Узбекистана (2005-2014гг.)/под редакцией д.э.н. А.М.Садыкова/ Ташкент: IFMR, 2015.-112.; Экономика Узбекистана информационно-аналитический бюллетень за январь-июнь 2015 года; Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. Тошкент – 2015; Экономика Узбекистана информационно-аналитический бюллетень за январь-декабрь 2017 года. Ташкент -2018. Center for Economic Research, Издательства “ИСА”.

12. Экономика Узбекистана информационно-аналитический бюллетень за январь-декабрь 2017 года. Ташкент -2018. Center for Economic Research, Издательства “ИСА”.

13. Рейтинг стран по ставке налога на прибыль [http://www.riarating.ru/countries\\_rankings/20140827/610628609.html](http://www.riarating.ru/countries_rankings/20140827/610628609.html)